# 1998 йил — Оила йили

*Одамийлик сабоқлари*

## ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Ислом дини кишиларни бир-бирларига нисбатан меҳру-оқибатли бўлишга чақириш билан бирга уларни динидан, миллатидан қатъий назар, ўзаро ҳурмат-иззат кўрсатишга ундайди. Бу нарса эса, ўз навбатида жамиятнинг бирлиги, унинг аъзолари орасида дўстликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Йўлбошчимиз Ислом Каримов жаноблари томонларидан ўтган 1997 йил - «Инсон мафаатлари йили», бу йил «Оила йили» деб эълон қилиниши биз - дин аҳлларини ҳам бағоят мамнун этди. Дарҳақиқат, агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳалла тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Чунки, оила жамият таянчидир. Унда ҳаёт асоси бўлган инсоний фазилатлар шаклланади. Инсон фарзанди илк ҳаёт сабоғини мана шу олий улуғ даргоҳдан олади.

Ислом дини таълимотига кўра, фарзандларимизни билим савияси, касбу-ҳунари билан бирга аҳлоқий фазилатларни ҳам ўсиб боришига катта аҳамият беришимиз керак. Ўсиб келаётган ёш авлодни таълим тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилиш, уларни инсоф ва дину диёнатли, имонли қилиб тарбиялаш бў барчамизнинг бурчимиздир. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандини келажакда баркамол инсон бўлиб, етишишини орзу қилади. Ҳамма ота-оналар ўз фарзандларини келажакда, ҳаётда ўз ўрнини топиб, она Ватанга собиқ, элу-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилишга тайёр, ор-номусли, виждонли ва чин инсон бўлиб, ўз волидаи меҳрибонларига раҳмат эшиттиришларини истайди.

Аммо, ҳамма ота-онанинг ҳам ўз фарзандларига меҳр-оқибати ва тарбиявий муносабати бир хил бўлавермайди. Гўё бошқа ишлар уларни банд этиб қўйгандек. Бундай бўлиши асло мумкин эмас. Аввало биз, мусулмонлар оилаларимизни шаърий никоҳ асосида қуриб, мусулмончилик руҳида яшар эканмиз, тез-тез ўзимизга ўзимиз ҳисоб бериб туришимиз керак, яъни олиб бораётган ишим тўғрими ёки хато ва камчиликлари ҳам борми? - дея.

Биламизки, инсон ўз ҳаёти мобайнида оила қуради, фарзанд кўради ва шу тариқа ўз наслини давом эттиради. Оилада унинг ҳар томонлама мустаҳкам бўлиши учун ота-онанинг тутган ўрни муҳим аҳамиятга эгадир. Улар фарзандлари учун ўрнак ва ҳар томонлама ибрат бўлмоқликлари лозим.

Аллоҳ таоло ўзининг каломи мажидида марҳамат қилиб, шундай дейди: «Эй мўминлар! Ўзларингизни ҳам, аҳлу фарзандларингизни ҳам оташи дўзахдан сақланглар!». Бу билан Аллоҳ таоло сизу бизларни огоҳлантиради. Бундан келиб чиқадики, ҳамма ўзини ўйлаб, ўз ғамини еб, аҳли ва фарзандларини эса фақат моддий жиҳатдан таъминлаш билан кифояланиб қолмасдан, уларнинг ҳам бу дунёда ва охиратда аҳли солиҳ, дину диёнатли баркамол инсонлар сафига қўшишларига жадду-жаҳд ила ҳаракат қилмоқликлари зарур бўлади.

Яратган ўз Қуръони каримида шундай деб марҳамат қилади: «Сиз мусулмонлар инсоният тарихида вужудга келган умматлар ичида энг афзалидирсизлар. Чунки, сизлар ёлғиз Аллоҳга имон келтириб, инсонларни яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарурсизлар». («Ал-Имрон»сураси. 110- оят).

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг аҳлоқ ва одоби шарифлари бутун ислом оламига машҳурдир. Бу борада энг мукаммал таъриф Қуръони каримнинг «Ал қалам» сураси 4-оятида зикр этилган: «Эй, Ҳабибим, ҳеч шак йўқдирки, Сиз албатта буюк аҳлоқ соҳибидурсиз».

Ҳар биримиз пайғамбаримизнинг олий хулқларини мукаммал ўрганиб, ана шундай хушхулқ бўлишга интилиш бу барчамиз учун муҳим ишлардандир. пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳаёт тарзлари айтган ҳар бир сўз ва ҳикматлари барчамиз учун дастурул амал бўлмоғи керак. Он ҳазратлари сабр-бардош, юксак матонатли, умматларига ўзини фидо қиладиган зот эдилар. Шунинг билан бирга ўзлари бошқа кишилардаги камтарлик, самимийлик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, эзгулик ва поклик, шунингдек инсоф ва адолат каби олий сифатларни жуда ҳам қадрлар ва ёқтирар эдилар.

Алҳамдулиллох, диёримиздаги меҳнатсевар халқлар, турли миллат ва элат вакиллари ила дўст-биродарликда, тинч-тотув ҳаёт кечириб, жамиятимиз равнақи ва тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Буларнинг бош мезони диёримиздаги тинчлик-осойишталикдир.

Аллоҳ таолонинг берган улуғ неъматларидан бири бу — тинчликдир. Ер юзида тинч ҳаётни сақлаш ҳар бир киши, бутун инсониятнинг оддий даражадаги муҳим вазифасидир. Яратган юртимизга буюк Истиқлол туфайли тинчлик деган улуғ тотли неъматни инъом этди. Мана шундай улкан неъматга етишиб турган вақтимизда мусулмонлар ўртасида баъзи бир ихтилофларнинг пайдо бўлиши биз дин аҳлларини қаттиқ ранжитди. Бу нарса эса ўз навбатида ўша улуғ неъмат шукронасини қилиш ўрнига мусулмонлар орасида турли хил низолар келтириб чиқариш эса куфронаи неъмат ҳисобланур. Шунинг учун ҳам бундай ихтилофларга барҳам бериб, Аллоҳ таоло ризолиги ва эзгу мақсадлар йўлида бир тану, бир жон бўлиб, Парвардигорнинг ўзаро бир-бирига биродар бандаларидан бўлишни халқ оммаси орасида барча диний уламолар ва ҳурматли имом-хатибларимиз кенг тарғибу ташвиқ қилиб боришлари даркор. Аллоҳ таолодан меҳнатсевар халқимизга фаровон ҳаёт, бахт-саодат, юртимизга тинчлик-осойишталик тилаб, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк ва порлоқ бўлсин деб, дуо қилиб сўраймиз.

**Ҳожи Абдураззоқ ЮНУС,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг ўринбосари.**

*Турмуш чорраҳаларида*

## БИЛМАЙИН БОСДИМ ТИКОННИ...

Қайси она ўз фарзандига ёмонлик қилишни хоҳлайди.

Мен ҳам ана шундай истак билан яшаб келаётган оналардан бири эдим. Айниқса тўнғичимдан ажралганимдан кейин ёлғизгина ўғлимни еру - кўкка ишонмай ўстирдим. Берган тарбиям зое кетмади, унинг жуда яхши фазилатлар эгаси бўлиб етишаётганини яқинларимиз, танишларимиз, қўшниларимиз фахр билан гапирадиган бўлишди.

Фарзандимга дунёдаги ҳамма яхшиликларни қилаверсам, дер эдим. Ана шу ниятда ўзи ёқтирган, менга ҳам маъқул бўлган қизга уйлантирдим. Ҳаммаси ана шундан кейин бошланди. Келинимнинг елиб-югуришлари, ўғлимга меҳрибонлик қилишлари менга кўпда ёқавермас эди. Хаёлимда у ўғлимнинг бошини айлантириб, мендан бездириб, уйимдан олиб кетаётгандай, катта уйда бир ўзим қолаётгандай бўлаверди. Аста-секин келин кўзимга ёмон кўриниб, менга қилган самимий меҳрибончиликлари ҳам ғашимни келтирадиган бўлиб қолди. Энди қандай бўлмасин келинимга панд бериш, хурсанд кўнглига ғам солиш, уни ўғлимнинг кўзига ёмон кўрсатиш ҳақидаги фикрлар хаёлимни банд қилиб олди. Ўғлимни ҳар доим ёнимда бўлишини хоҳлар эдим.

Уринишларим зое кетмади. Ҳаракатларим ўз кучини кўрсата бошлади. Аста-секин ўғлим ҳам ўйчан, зардали бўлиб қолди. Келин ҳам бирда ўғлимга, бирда менга ошкора жаҳл қиладиган одат чиқарди. Оқибатда кўза синадиган кун ҳам келди. Келиним қизчасини етаклаб, онасиникига кетиб қолди. Шундан сўнг кўнглим жойига тушгандай бўлган эди. Лекин ўғлим довдираб ўзини қўярга жой топа олмаётганлиги ошкор бўлиб қолди. Бунинг олдини олиш мақсадида ўзимга ёққан соддагина қизга уйлантириб қўйдим. Буниси аввалги келинимдай ақлли, чаққон меҳрибон ва ҳозиржавоб чиқарди. Дастурхон устида бизлар кутган аввалгидай илиқлик пайдо бўлмади. Ўғлим уйга ароқ ичиб келадиган одат чиқарди. Орадан кўп ўтмай бу келин ҳам кетиб қолди. Ўғлим бўлса, ҳамма нарсага, ҳатто ишга ҳам, қўшнилар билан муносабатларга ҳам ҳафсаласиз бўлиб борди, тўйларга бормай қўйди. Кийинишлари ҳам нари-дан-бери, уйга келса, вақтини шифтга тикилиб ўтказадиган бўлиб қолди.

Қисқаси, ўғлим бошқа одамга айланди-қолди. Ёлғизимни қандай аҳволга солиб қўйганлигимни энди билаяпман. Яхшилик қиламан, деб ўғлимни не кўйларга солиб қўйдим. Биргина ўз хоҳишим учун ўзим билан бирга беш одамнинг кўзларини ғамларга тўлдириб қўяётганлигимни билмай қолибман. Ўзимга яхши кўринган ишлар ўғлим учун, келиним учун, жажжи неварам учун, қолаверса, яна бировнинг еру-кўкка ишонмай ўстирган фарзанди учун бир умрли армон бўлаётганлигини вақтида ўйлаб етмаган эканман.

Аввалги келиним турмушга чиқди. Энди уни уйимга қайтара олмайман.

Айтинг, яхшилар, нима қилсам ўғлим, ёлғиз суянганим, чироғимни ёқувчи фарзандим аввалги ҳолига, ҳамма ҳавас қиладиган одамга айланади? Ҳувиллаган уйимда невараларнинг кулгиларини эшитиш учун, яшаш бахтини, ҳаёт завқини туйиш учун нималар қилишим керак, айтинг? Айтинг, азизлар.

**Қайнонанинг айтганларини Абдул РОЗИҚ ёзиб олди.**



Гўзаллик қизларда, у қора кўзларда.

Ш. Шаропов (ЎзА) олган сурат.

*Қатра*

## МУЛОЙИМЛИК

Инсон ҳаётида мулойимликнинг сув билан ҳаводек зарурлиги ҳақидаги дурдона фикрлар дилдан-дилга ўтиб юради. Бир дилозор бемордан ҳол сўради:

- Сизга нима бўлди?
- Юрагим ўйнайди.
- Ишингиз чатоқ. Бу касалликдан ҳечким тузилмаган, фарзандларингизни чақириб васиятингизни қилаверинг.

Бемор фарзандларини чақирадида:

- Бундан кейин менинг қошимга бу дилозорни асло киритманглар,-дея тайинлади.

Ёмон феъл билан жонни оғритган одамга қаттиқроқ гапириб кўринг-га. Ўртада учқунланган ўт аланга олиши ҳеч гап эмас. Ундай одамга хушфеъллик билан жавоб берилади. Борди-ю ғазаб ўти шуъла уриб кучайса, ўзни тутиб уни ўчиришдир. Шундагина кишининг руҳи ҳам дили ҳам таскин топади.

**Ғани АБДУЛЛАЕВ.**

*Муносабат*

## ЎРТАДА МЕҲР БЎЛСИН

**Иш вақти тугагач тезроқ уйга етиб боришнинг ҳаракатини қиламан. Чунки оила, бола ташвиши ҳамма-ҳаммаси — биз аёлларнинг елкасида.**

**Бугунги кунни ҳам кеч қилдик. Ишхонадан чиқиб, бекат томон йўналдим. Қош қорая бошлаган. Қишнинг совуқ шамоли этни жунжиктириб, юзларни чимдиб ўтади. Руҳимда ҳорғинлик. Автобус ҳадеганда кўринавермади. Бир вақт қизларнинг жарангли кулгуси ҳаммани ўзига тортди. Гўё бекатда улардан бошқа ҳеч ким йўқдек. Кўҳликкина қизлар, қошлари камондек, кўзлари чарос. Беихтиёр уларнинг гап-сўзлари қулоғимга чалинди.**

**- Биласанми Гули - кеча уйга кечроқ кириб бордим. Қайнонам чимирилиб қўйди. Мен ҳам ўчига саломлашмадим.**

**- Тўғри қилибсан,- ўз қадрингни туширма. Бошидан шундай қилиш керак эди. Кейин санга индамадими?**

**- Йўқ, кийимларимни ечдим. Ошхонага бориб қарасам овқат тайёр хурсанд бўлиб кетдим.**

**- Овқатни овсининг тайёрлагандир.**

**- Қаёкда, овсиним дам олиш кунлари келади. Ойим ўзлари тайёрлаган бўлсалар керак.**

**Бу ҳасрат эдими, ғийбат эдими тушинмадим. Автобус келди-ю, чиқиб кетдим.**

**Йўлда кетаяпман-у ҳар хил фикрлар тинч қўймайди. Оила муқаддас бешик. Уни ҳар ким тебрата олмайди. Ўзимча турли хулосалар қила бошладим. Мен ҳам ҳозир уйга кириб бораман. Аммо овқатни тайёр қилиб қўядиган қайнонам ёки овсиним йўқ. Ҳеч кимга чимирилмайман. Фақат ўзимни ўзим уришиб, ўзимга-ўзим гапириб юравераман. Турмуш ўртоғим илмий иши билан банд. Ҳатто «ишларинг қандай»- деб сўраб қўйишга ҳам вақт топа олмайди. Аҳёнаҳёнда қўшни аёл қизчасини кўтариб келиб қолади, суҳбатлашамиз. Лекин суҳбатимиз бунақанги бемаза гаплардан иборат эмаслигига шукр деб қўйдим. Оиладаги барака эрнинг марҳаматидан бўлса, хонадон файзи аёлнинг кароматидан бўлмайдими! Мен учратган келинчакларнинг ҳаёт қарашлари наҳот шундай икир-чикирлардан иборат бўлса? Қайнонага бўлган муносабат-чи? Ахир қайнона она эмасми? Балки, ана шундай майда нарсалардан оилалар бузилиб кетаётгандир. Оиладаги муҳитда меҳр-муҳаббат, оқибатнинг етишмаслигидан фожеаларга йўл қўяётган бўлмайлик.**

**Менимча ҳам шундай. Оила аъзоларининг бир-бирига меҳри бўлмаса, унинг ўрнини ёлғону ғийбат ёҳуд хурматсизлик эгалласа турмуш бузилади. Негаки, оқибат бўлмаган жойда турмуш фаровонлигига эришиб бўлмайди.**

Наргиза КАМОЛОВА

# Оила даврасида

*Уй бекаларига*

## СУМАЛАК

Сумалак тайёрлаш учун жайдари ёки қайроқи буғдой керак бўлади. Донни совуқ сувда тозалаб ювилгач, идишга солиб уч кун ивитиб қўйилади. Уч кунда буғдой ниш уради. Сўнгра тоза тахта устига бир энлик қалинликда ёйилади ва қуёш нури тушмайдиган жойга қўйилади. Уч-тўрт кун давомида бир маҳал сув севалаб турилгач, майса нина бўйи бўлганда у етилган ҳисобланади. Бўлакларга бўлиб, гўшт қиймалагичдан ўтказилади. Ҳосил бўлган қоришмага бироз сув қуйиб аралаштирилиб докадан ўтказилади. Массага яна икки марта сув қуйиб, сузиб олинади. Қозонда ёғ доғланиб, бироз совутилади, кейин ёғга ун ва биринчи сузиб олинган шарбат қўшиб қайнатилади.

Қайнаб чиққач, иккинчи ва учинчи сузиб олинган шарбат қўшиб қайнатилади.

Сумалак қайнаб қуюқ торта бошлагач, ковлаб турилади. Тагига олмаслик учун катталиги ёнғоқдек-ёнғоқдек силлиқ тошларни ювиб қозонга ташланади. Сумалак тахминан 10-12 соат қайнайди. Агар қуюқ тортиб кетса бироз қайноқ сув қуйиб, то пишгунча қайнатилади. Сўнгра олови тортиб олинади ва қозонга тоғора тўнтарилиб, эрталабгача димлаб қўйилади. Бир килограмм буғдойга 2 килограмм ун, 1 кг ёғ солиш мумкин.

*«Ишонч» устахонаси*



## КИЙИМ ИЛГИЧ

***Одатда кўп қаватли уйларда ёмғирдан кейин кийимларни осиб қўйиш ёки қуритиш муаммо бўлади. Агарда кийим илинадиган шкаф остига расмда кўрсатилган қутича ясаб, ичига поролон ёки эски латталардан солиб қўйсангиз иш анча осонлашади. Вақти-вақти билан поролон ёки латтани сиқиб сувини тозалаб қўйишни унутманг. Ёмғир ёғмаган пайтларда қопқоқни ёпиб қўйсангиз бўлаверади.***

**Ҳ.ЭГАМОВ,**
**расм муаллифники.**

*Психолог ҳузурида*

## ҚИЗИҚИШ НОЁБ ФАЗИЛАТУ...

Инсоннинг энг ноёб фазилатларидан бири - янги ва сирли бўлиб кўринган нарса хусусиятларини билиб олишга бўлган қизиқишидир.

Қизиқиш- ҳавас кишининг ўзи ёқтирган нарсага кучли диққат-эътибор қилиши ва унга эришиш учун доимо ҳаракат қилишда намоён бўладиган индивидуал хусусиятидир.

Шу жиҳатдан олганда ҳар бир боланинг бирон-бир фанга, касб-ҳунарга нисбатан албатта, қизиқиши бўлади. Болалардаги қизиқишлар асосан уларнинг дунёқараши билан боғлиқ равишда вужудга келади. Баъзи болаларда қизиқишлар барқарор бўлиб бутун умри бўйи сақланиб қолади. Айрим болаларда эса аксинча, ўткинчи, тез ўзгарувчан бўлишлиги мумкин. Бу хил болалардаги қизиқиш бирор нарсага нисбатан тез вужудга келиб, маълум вақт ичида унга зўр ҳавас қўядилар, қаттиқ қизиқадилар. Лекин бу қизиқиш - ҳавас узоқ чўзилмасдан гуриллаб келиб, шундай тезлик билан сўнади, ёҳуд унинг ўрнини бошқа нарсага бўлган қизиқиш эгаллаб олади.

Шаҳримиз мактабларидан бирида 7-синфда ўқийдиган Шавкат исмли бола ўртоғи Ботир билан шахмат тўгарагига қатнай бошлади. Бир неча кун ўтгач, синфдош ўртоғи Аббоснинг бокс тўгарагига қатнашаётганини билиб, шахматга боришни йиғиштириб, боксга қизиқиб қолди. Бокс машғулотларидаги талаблар унга оғир кўрингач, боксга бўлган қизиқиши йўқолиб, қўшниси Мухтор билан музика тўгарагига қатнай бошлади.

Албатта қизиқишларнинг бу хилда тез-тез ўзгариб туриши бола характерининг беқарорлиги билан белгиланади. Бу хил қизиқиш-ҳавас билан бирон-бир ҳунар ёки илмни чуқур ўзлаштириб бўлмайди.

Болаларга воқеликдаги ҳамма нарса унга янги ва сирли бўлиб кўринади. Нарсаларнинг хусусият ва моҳиятлари улар учун ҳали қоронғу. Улар ўз тажрибаларида бундай нарсаларни билиб, ёки синаб кўрмаганлар. Шунинг учун уларда қизиқишлар тез юзага келади ва ривожланади.

Болалар билан иш олиб борувчи катта ёшдаги кишилар болаларнинг саволларга имкони борича улар тушунадиган даражада содда қилиб жавоб беришлари керак. Бу ишда ҳеч қандай лоқайдлик, ялқовлик бўлмаслиги зарур. Чунки болалардаги қизиқишлар вақтида қондирилиб турилмаса, у секин-аста сусайиб, кейинчалик сўниб кетиши мумкин. Бу эса боланинг ақлий тараққиётини ҳам пасайтириб, ёҳуд тўхтатиб қўяди.

Шунинг билан бирга, ўқувчиларга берилаётган маълумотларнинг меъёрини ҳам билиш керак бўлади. Болалар тушунмайдиган нарсалар тўғрисида соатлаб гапириш, улардаги иқтидорни ривожлантириш ўрнига, аксинча, бўғиб қўйиши, сўндириб юбориши мумкин.

Иккинчи синфдан бошлабоқ, баъзи болаларни ўқиш ва ҳикоя қилиб беришга, айримларини ҳисоб ва масала ечишга, яна бир хил ўқувчиларни расм ёки чиройли ёзув, ашула ёки жисмоний тарбия билан шуғулланишга қизиқаётганини кўрамиз.

Учинчи ва тўртинчи синфдан бошлаб фанларга бу хилда танлаб қизиқиш янада ёркинроқ намоён бўла бошлайди. Лекин бу қизиқишларни биз барқарор ва қатъий қизиқишлар, деб хулоса қилмаслигимиз керак. Бундай қизиқишларнинг вужудга келиши, тез-тез «янгиланиб» туриши бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган хусусиятдир.

Агар болада ҳеч қандай қизиқиш - ҳавас бўлмаса, бу уларни дангаса, ялқов қилиб қўяди. Бўш вақтини қандай ўтказишни билмай зерикади. Баъзан бу бекорчиликдан қутулиш учун номаъқул ишларга қўл уриши мумкин.

Агар, болада бирор фойдали нарсага, дейлик, бадиий китоб ўқишга қизиқиши бўлмаса, бу соҳага нисбатан қизиқишни тарбиялаш мумкин. Ўқитувчилар шу нарсани унутмасликлари керакки, қизиқишлар аввало фаолиятда юзага келади ва фаолият жараёнида ривожланиб, сайқал топиб боради.

Тошкент шаҳар 40- лицей-мактабида тажрибали ўқитувчиларидан 8-синфда ўқийдиган бир бола бадиий китоб ўқишга ҳеч қизиқмас, ўқитувчи тавсияси билан кутубхонадан олган китобларни ўқимасдан қайтариб берар экан. Ўқитувчи боланинг нимага қизиқишини билиш мақсадида уни кузата бошлаган ва унинг отаси билан спорт мусобақаларига тез-тез бориб туришини аниқлаган.

- Спорт ҳақида ёзилган китоб ўқишни хоҳлайсанми?- деб сўрайди ўқитувчи.

- Шунақа китобингиз борми? - қизиқиб сўрайди ўқувчи.

- Ҳа, бор.

Ўқувчи ўқитувчи берган китобни икки кундан кейин қайтариб беради.

- Ўқиб чиқдингми?

- Ҳа,ўқидим. Жуда қизиқ экан. Яна спорт ҳақида ёзилган китобингиз бўлса бериб туринг, эртагаёқ ўқиб олиб келиб бераман,- дейди энтикиб ўқувчи. Берилган иккинчи китоб ҳам тезда ўқиб чиқилган. Шундан кейин ўқитувчи болага фақат спорт ҳақидаги китобларнигина эмас, бошқа мазмундаги китобларни ҳам ўқиб чиқишга бериб тура бошлаган. Бола тез кунда синфда энг кўп китоб ўқийдиган ўқувчилар қаторига қўшилган. Дарсларни ўзлаштириши, баҳолари яхшилана бошлаган. Шундай қилиб бадиий китоб ўқишни ёқтирмайдиган бола, ўқитувчининг унга нисбатан усталик билан ёндашиши натижасида мактабдаги энг китобхон ўқувчига айланган.

Бундан кўринадики, боладаги қизиқишни ошириш катта ёшдагилар, айниқса ўқитувчилар, ота-оналар катта эътибор берсалар нур устига нур бўлади.

**Мўминхон МАМАТОВ,**
**ТошДУ психология кафедрасининг доценти.**

*Болаларингиз билан бирга ўқинг*

## Chumchuq bilan chumoli

(ertak)

Bir bor ekan, bir yo'q ekan, bir qishloqda kattakon tepalik bor ekan. Tepalik yonida bir tup qari tut bor ekan. Tutning quyuq, chayir shoxlarida chumchuqlar chug'urlashar ekan. Tepalikning yonlarida chumolillar o'rmalashar ekan.

Chumchuqlar chumolilarning har kuni tinimsiz yuk tashib yurishlari haqida gaplashib, ularni mazax qilib kulishar ekan. Chumolilar bo'lsa ularga parvo ham qilmay, indamasdan ishlab yuraverishar ekan.

Bir kuni qoq tush paytida bitta chumchuq pirillab erga tushibdi. Bitta bug'doyni tishlab ketayotgan bir chumolining yoniga qo'nibdi.

- Bug'doyni menga ber, - debdi Chumchuq.

- Nega ? - debdi Chumoli. - Kap-katta bo'lib mendan bug'doy so'ragani uyalmaysanmi? O'zing topib yesang bo'lmaydimi? Shu bitta bug'doy bilan to'yasanmi?

- Kun isib ketdi, - debdi Chumchuq.

- Hech qayerga borgim kelmayapti.

- Shunu ertalab salqinda o'ylamadingmi? - debdi Chumoli. - Don kerak bo'lsa, uzlab top. Axir qanoting bor. Agar mening sendaqa qanotim bo'lganida ming chaqirim joyga ham erinmay borib kelar edim.

- Qanot menga don izlash uchun berilgan emas, - debdi Chumchuq.

- Mushukdan saqlanish uchun berilgan. Bo'lmasa xirmonga borib to'yib kelardim. Lekin u yerda Mushuk bor. Qo'rqaman, meni yeb qo'yadi.

- Nega Mushuk seni yeydi-yu, meni yemaydi? - debdi Chumoli.

Chumchuq kulib yuboribdi:

- Gapingni qara-yu, Mushuk seni boshiga uradimi? Sening go'shting oz.

Buning ustiga achchiqsan. - Menga o'xshab mehnat qilsang, sen ham terlab azziq bo'lib qolar eding, - debdi Chumoli.

- Sen bo'lsang doim tekin ovqat qidirasan. Sen achchiqsan, men shirinman deb maqtanmay qo'yaqol. Aslida sen o'zing shirin emassan, joning shirin. Joningni koyitging kelmaydi - Mayli nima desang ham deyaver, lekin mana shu bug'doyingni menga beraqol, - deb yalinibdi Chumchuq.

Shu payt qayoqdandir paydo bo'lib qolgan olg'ir Mushuk bir hamla qilib, Chumchuqni tappa bosibdi.

- Voy, Chumolijon, meni qutqar, Mushukni chaqib ol! - deb chirillabdi Chumchuq.

Shunda Mushuk Chumchuqni tishlab, yugurganicha tepalikning narigi tomoniga o'tib ketibdi.

- Ey nodon Chumchuq, - debdi Chumoli o'zicha kulib, - Mushuk seni yeydigan bo'lsa, bu yerdan ham topar ekan-ku, sen xirmonga borishdan qo'rqib o'tiribsan-a.

U shunday deb, bug'doyni tishlaganicha jo'nab ketibdi.

**Sadoqat FAYZIEVA tayyorladi.**

